O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 28-iyun • Seshanba • 78 (27 413) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2005 йил 28-29 июнь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғидаги музокараларда икки давлат раҳбарлари турли соҳаларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқадилар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

**(ЎзА)**




## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

**Қадрли дўстлар!**

**Авваламбор, заҳматкаш касб эгалари бўлмиш сиз, азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, кўпмиллионли муштарийларни бугунги катта байрам — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Бугунги шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимиз тараққиётига — бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, одамларимизнинг давлатга, жамиятга ва ўзаро муносабатлари бўладими, янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими — буларнинг барчасини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.**

**Табиийки, бундай ҳолат журналист аҳлига, ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган ҳар қайси одамнинг зиммасига оғир, шу билан бирга, шарафли вазифа юклайди.**

**Агарки, XXI асрнинг ҳозирги кунда инсоният олдига қўяётган ўта кескин талабларини инобатга оладиган бўлсак, яъни давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш, жаҳон майдонидаги кучли рақобат, бозор иқтисодиёти тамойиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий технологиялар ҳар бир касб эгасидан юксак профессионал маҳорат ва доимий сафарбарликни тақозо этади.**

**Лекин дунёдаги энг машаққатли касблардан бири бўлмиш журналистика соҳасининг ўлчов ва мезонлари фақат шулар билан чекланмайди.**

**Нега деганда, журналист барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ташқи ёки ички сиёсат, иқтисодиёт ёки суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки тиббиёт оламида рўй бераётган, бир сўз билан айтганда, ҳаётда кечаётган кўп қиррали ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган долзарб ва устувор масалаларнинг негизига етиб боришга қодир бўлиши лозим.**

**Албатта, ҳар қандай журналист шу касбни танлар экан, ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қийинчилик ва синовларни тасаввур қилиши, уларни енгиб ўтишга тайёр бўлиши керак. Ўткир қалами, ҳаққоний сўзи билан матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган оқсоқол журналистларимиз ҳаёти мисолида уларнинг ўз бурчини адо этишда баъзан қандай тўсиқларга, танқид ва тазйиқларга дуч келгани, адолат ҳимояси учун гоҳида ҳаловатдан воз кечиб, ҳатто тақдири хавф остида қолганини ҳам яхши биламиз. Кимгадир ёқадими-йўқми, лекин бу — ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқати.**

**Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади.**

**Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.**

**Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди?**

**Мана шу заҳматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу юрт фарзандларининг ёруғ келажаги, бахту саодати учун. Шу табаррук тупроқ, шу муқаддас Ватан учун.**

**Мен барча матбуот ходимлари мана шу фикрни ҳеч қачон унутмасликларини истардим.**

**Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва холислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидасига айланиши шарт.**

**Лекин, минг афсуски, ҳозирги пайтда дунёнинг турли жойларида матбуот воситалари аксарият ҳолларда айрим сиёсий кучларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қиладиган мафкуравий таъсир қуролига айланиб қолмоқда.**

**Биз бундай хуружларни яқинда Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари атрофида баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кўтарилган сохта шов-шувлар, бўҳтон ва уйдирмалар мисолида ўз бошимиздан кечирдик. Шу ўринда яна бир бор айтиш кераккки, аниқ бир марказ тарафидан ташкил этилган ва бошқарилган бу каби ахборот таҳдидлари мамлакатимизга четдан туриб таъсир ва тазйиқ кўрсатишга, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаришга уринишдан бошқа нарса эмас.**

**Ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазият ҳар қайси мустақил давлатдан ўз миллий манфаатларини нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади.**

**Шу нуқтаи назардан қараганда, матбуотимиз фаолиятида жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларни теран таҳлил ва талқин қилиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни очиб беришда ҳали-бери оқсоқлик сезилмоқда.**

**Айни пайтда бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлат ва жамият юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг орзу-интилишларини атрофлича ва кенг ёритиш, демократик қадриятларни одамлар онгига сингдириш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган куч ва ғовларга қарши курашиш борасида журналистларимизда қатъият ва шижоат етишмаётганини ҳам кузатиш мумкин.**

**Бундай ҳолатларга барҳам бериш, матбуотимизни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олдимизда турган энг долзарб масалалар бу мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ.**

**Жамиятимизда том маънодаги фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига эришиш учун нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, жамоатчилик телеканалини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.**

**Шу борада оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузилаётгани, Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик олий журналистика курси ташкил этилгани, матбуот ходимлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг машаққатли ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар яқин келажакда ижобий самарасини бериши шубҳасиз.**

**Сиз, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, кўпчилик юртдошларимиз, керак бўлса, кенг жамоатчиликнинг фикрини ифода қилиб айтадиган бўлсам, кейинги пайтда матбуотимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бераётганини, Ўзбекистон журналистларининг ўз профессионал маҳоратини намоён этиш, Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғururини, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида билим ва тажрибаси, фаоллиги ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз деб биламан.**

**Мамлакатимиз матбуот аҳли келгусида ҳам бугунги замоннинг ўзи олдимизга долзарб этиб қўяётган марраларга эришиш йўлида ўз куч-ғайрати ва истеъдодини аямай меҳнат қилади, деб ишонаман.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар ва хонадонларингизга файзу барака тилайман.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

**Қадрли дўстлар!**

**Сизларни ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.**

**Жазирама жануб офтоби ва ҳаёт синовларида тобланган, мард ва ориятли Сурхон воҳаси деҳқонларининг 223 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, гектарига 50 центнердан ҳосил кўтаргани авваламбор фидокорона меҳнат, ҳар қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиш самарасидир.**

**Яқинда вилоят далаларида бўлиб, сиз, қадрдонларим билан бўлган самимий мулоқотлар чоғида етиштирилган мўл ҳосилни кўриб, сизлар қатори мен ҳам беҳад қувонган эдим. Бугунги улкан меҳнат ғалабаси барчамизнинг хурсандчилигимизга хурсандчилик қўшади, руҳимизни янада кўтаради.**

**Сизлар эришган бу ютуқ Сурхондарё вилоятида ғаллачиликка, қишлоқ хўжалигининг истиқболини белгилаб берадиган фермерлик ҳаракатига бўлган катта эътибор, маҳаллий шароитга мос серҳосил навларни танлаб экиш, илғор агротехника усулларини кенг қўллаш, энг муҳими, одамларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг бугун қандай амалий натижалар бераётганини яққол намоён этади.**

**Ғалласи мўл юртнинг дастурхони тўкин, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлади. Шу маънода, воҳа меҳнаткашларининг бу ютуғи нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли натижаларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.**

**Сизларни бугунги ғалаба билан яна бир бор қутлаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларим ва ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.**

**Хирмонингиз янада баракали бўлсин, асло кам бўлманг, азиз дўстларим!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Истиқлол имкониятлари**



## «ЎзДЭУавто»да ЗАМОНАВИЙ ЯНГИЛИК

### СИФАТ ТЎГАРАКЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТ КУРТАКЛАРИ

Мамлакатимиз автомобилсозлиги гиганти — «ЎзДЭУавто» компанияси жамоаси жаҳон андозалари даражасида кўркам, пишиқ ва пухта «Нексия», «Нексия донс», «Матиз», «Дамас», «Ласетти» автомобиллари ишлаб чиқаришда энг замонавий усуллардан бири — сифат тўгаракларини йўлга қўйди.

Кўнгилли равишда сифатни бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи гуруҳ — **тўгарак аъзолари** ўз иш жойларида ишлаб чиқариш жараёни билан бирга маҳсулот сифатини оширувчи имкониятларни излаб топишади. Компаниянинг сифат сиёсатини амалга ошириш ва таъминлашда асосий ядро бўлган меҳнат унумдорлигига жавоб беришади. Меҳнат интизоми даражасига ҳам ҳар бири масъул.

— Сифат тўгаракларини тузиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад, — дейди **корпоратив инновациялар бошқармаси менежер ўринбосари Розиқжон Отабоев,** — фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни тушириш, машина ва механизмлар ишлаш муддатини узайтириш... Қолаверса, кўплаб хомашё ва материалларни иқтисод қилиб, янги техника ҳамда технологияларни жорий қилиш, ишчи-ходимлар малакасини ошириш... Шунингдек, меҳнат хавфсизлигини таъминлаб, интизомни мустаҳкамлаш ҳам бизнинг зиммамизда...

Дарвоқе, дастлаб бу ерда «Камолот» номи билан иш бошлаган сифат тўгарагига Шокирбек Раҳимов бошчилигида корхонанинг Баҳодиржон Баҳромов, Анваржон Қирғизбоев, Сардорбек Ашуров, Алишер Юнусалиевлар тўпланишди. Улар «Нексия» автомобиллари аккумуляторларини қувватсизланиши муаммосини ечиш устида ишлашди.

(Давоми 2-бетда)

## БАРАКАЛИ ХИРМОН

**ТЕРМИЗ (ЎзА мухбири Чори ТЎХТАЕВ).** Сурхондарё вилояти ғаллакорлари бошоқли дон ва уруғлик тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажарди. Давлатга 223 минг тоннадан зиёд ғалла сотилди. Шундан 17 минг 200 тоннаси уруғлик сара дондир. Ҳосилдорлик ўртача 50 центнерни ташкил этди.



Вилоят ғалла хирмонини бунёд этишда Сариосиё, Музработ, Ангор, Шеробод, Денов туманлари деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлди.

Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда, тез ва соз, исроф қилмасдан ўриб-янчиб олишда механизаторлар алоҳида ўрнак кўрсатдилар. 236 та комбайн унум билан кечаю кундуз ишлатилди. Ўрим-йиғимда қатнашганларга қулай иш ва дам олиш шароитлари яратилди, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Тайёрланган ҳосилнинг 60 фоизи фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келди. Тажрибали фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 60-70 центнерга етказдилар.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда миллий матбуот ривожига, унинг том маънода эркин фикр минбарига айланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир, дея таъкидлаган эди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган турли жараёнлар, шу жумладан, тинч мамлакатлар барқарорлигини издан чиқариш йўлида ахборот хуружи авж олаётгани юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада ҳушёр, огоҳ ва фаол бўлишни талаб этаётир.

Айни пайтда бугунги шиддатли замон мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлмиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштиришни, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини тўлароқ таъминлашни, журналистларнинг касб маҳоратини муттасил замон талаблари даражасида ошириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» кўрик-танлови ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Тадбирда мазкур танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

Йиғилишда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган «Аёл омон бўлса...» республика танлови, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Энг фаол спорт журналисти» танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ЎзХДП янгиликлари**

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари томонидан қуйи палата мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди. Хусусан, депутатлар «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни ратификация қилиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари юзасидан фикрлашдилар. Йиғилишда муҳокамага қўйилган қонунлар лойиҳаларига фракциянинг парламентда тутган йўлидан келиб чиқиб, таклиф қилинадиган қўшимча ва фикрлар айтилиб, улар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатлари ва Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш бўйича депутатлар қизғин баҳс-мунозаралар юритдилар. Фракция аъзоларидан И.Кочмарик, Ш.Абдуллаева, Л.Ғуломов, А.Бойқулов, Б.Юсупов, Ҳ.Назаров, Ш.Каримов ва бошқалар ўзларининг фикрларини билдирдилар. Шунингдек, «Бир қатор давлат органларининг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти лойиҳаси тўғрисидаги масалалар ҳам фракция аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Барча масалалар хусусида қуйи палата йиғилишида сўзга чиқувчи депутатлар аниқланиб, билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар асосида фракция нуқтаи назари шакллантирилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



*Суратда:* ғолиблардан бир гуруҳи.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

2-бет

Спорт

# ХОТИРА ТУРНИРДАН РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИГА

Яқинда Намангандаги «Ёшлар» спорт мажмуида муайтай бўйича Тўйчи Неъматов хотирасига бағишланган республика чемпионати ниҳоясига етди. Халқ таълими фидойиси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жонкуярларидан бири Тўйчи Неъматовнинг эл-юрт учун қилган меҳнатларини наманганликлар яхши билишади. У бутун умрини халқ таълимини ривожлантириш, боғ-роғлар яратиш, инсонларга яхшилик қилишга бағишлаган инсон эди. Хўжалик раҳбари сифатида минглаб гектар ерларни боғу бўстонга айлантирди. Қишлоқларни ободонлаштириш, турмуш маданиятини юксалтиришда жонкуярлик қилди. Шу боис унинг номини ҳамюртлари бугун ҳам ҳурмат-иззат билан тилга олишади.

Ўтган йили Янгиқўрғонда Тўйчи Неъматов хотирасига бағишлаб муайтай бўйича илк бор турнир ўтказилган эди. Ўшанда мазкур хотира мусобақасини мамлакат чемпионатига айлантириш ғояси илгари сурилганди. Ниҳоят, ўша ният янги анъана сифатида рўёбга чиқди.

— Муайтайчиларимиз жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, юксак натижаларга эришмоқдалар, — дейди Ўзбекистон муайтай федерацияси президенти Замир Қосимбеков. — Бу спорт турига болаларни кўпроқ жалб қилиш керак. Чунки уларнинг бўш вақти кўп бўлади. Ана шу қимматли вақтни беҳуда совурмай муайтай билан шуғулланса, оиласига ҳам, Ватанимизга ҳам нафи тегадиган инсон бўлиб улғаяди.

Бу спорт тури ҳаракатларидаги шарқона жозиба, ақлий ва жисмоний тезкорлик йилдан-йилга кўплаб ёшларни қизиқтиряпти. Бугун республикамиз муайтай клубларида 85 минг нафардан ортиқ ёш шуғулланмоқда.

Тўрт кун давом этган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган юздан ортиқ спортчи 14 вазн тоифаси бўйича муросасиз кураш олиб борди. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан Даврон Эшонхўжаев, Абдувоҳид Толипов, Абдурашид Файзиев, Бобур Эшматов, Озодбек Қосимов, Сайдулла Исматуллаев, андижонлик Мавлон Қаҳҳоров, Умаржон Умрзоқов, самарқандлик Жамол Баҳромов, Жаҳонгир Мамаризаев, Абдувоҳид Шарипов, фарғоналик Илҳом Сотиволдиевлар ғолибликни қўлга киритишди.

Шунингдек, финалда наманганлик халқаро тоифадаги спорт устаси Сардорбек Тўраев (60 кг.) андижонлик Қувончбек Шукуровни мағлубиятга учратиб, олтин медаль соҳиби бўлди. +91 кг. вазн тоифасидагилар баҳсида эса халқаро тоифадаги спорт устаси Адҳамжон Мирзаев самарқандлик Самариддин Ризоқуловдан устун келди.

— Бу катта мусобақада ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди Сардорбек Тўраев. — Мусобақага қаттиқ тайёргарлик кўрдим. Тўртта жанг ўтказиб, ҳаммасида ғалаба қозондим. Чемпионат ташкилотчиларига фақат раҳмат, деймиз. Биз, спортчилар ҳам Тўйчи Неъматовдек фидойи инсон бўлишга ҳаракат қиламиз.

— Келгуси йилдан ушбу турнирни халқаро миқёсда ташкил этиш ниятидамиз, — дейди мусобақа ташкилотчиларидан бири Жасурбек Неъматов. — Халқаро турнирлар эса спортчиларимизнинг маҳоратларини янада оширади.

**Абдураҳмон НАСРИДДИНОВ**

## БЕШТА ОЛТИН, ТЎРТТА КУМУШ ВА ОЛТИ БРОНЗА

Россиянинг Москва вилоятида МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ёшларининг халқаро спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Қатнашчилар спортнинг ўн тўрт тури бўйича ўзаро баҳслашдилар. Мусобақада ҳамюртларимиз ўн бир спорт тури бўйича майдонга чиқиб, умумжамоа ҳисобида бешта олтин, тўртта кумуш ва олти бронза медаллари билан тақдирландилар.

Вакилларимиз стол тенниси, самбо, эркин кураш, сузиш, енгил атлетика, бадиий гимнастика, юнон-рум кураши турлари бўйича муносиб натижаларни қайд этди. Жумладан, самбо бўйича уюштирилган беллашувларда ёшларимиздан Қодир Султонов (48 кг.), Дилмурод Мавлонов (74 кг.) олтин, Озод Пардаев (57 кг.) бронза медалларига сазовор бўлди. Эркин кураш баҳсларида бир йўла уч вакилимиз — Фарҳод Ўразимбетов (55 кг.), Баҳром Эрматов (60 кг.), Заур Сохиев (84 кг.)лар кумуш медалларни қўлга киритган бўлишса, қизлар ўртасида Айнура Ортиқбоева (50 кг.) шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Юнон-рум кураши беллашувларида Шерали Шодмонов (50 кг.) олтин, Рустам Синдоров (74 кг.) бронза медаллари билан тақдирланди.

**Эркин ХОЛБОБО**

Интер-спорт

## ГАТТИ ЧЕМПИОНЛИКНИ БОЙ БЕРДИ



Яқинда Американинг Атлантик-Сити шаҳрида профессионал бокс кечаси ўтказилди. Бу ерда WBC йўналиши бўйича чемпион, канадалик Артуро Гатти ўз унвонини сақлаш учун америкалик шу унвонга даъвогар Флойд Мейвезерга қарши жанг қилди. Жанг бошида ҳар иккала боксчи ташаббусни қўлга олишга интилди. Канадалик боксчи танаффусгача «унвонни олиб бўлибсан», кайфиятида эканини намойиш этди. Лекин, раунддан раундга ўтган сайин ҳар иккала боксчи ҳам чарчаганлиги кўзга ташланди. Бунинг устига Гатти икки марта билиб-билмай йиқилиб қолди. Лекин ҳакам буни нокдаундга йўймади. Ниҳоят, канадалик боксчининг секундантлари учрашувни тўхтатишни ишора қилишди. Ҳакам эса Мейвезернинг қўлини кўтаришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Гатти чемпионлик унвонини бой берди.

## БРАЗИЛИЯ ФИНАЛГА ЧИҚДИ



Германияда Конфедерация кубоги учун курашнинг биринчи ярим финал учрашувида майдон эгаси билан жаҳон чемпионлари — Бразилия футболчилари учрашдилар. Дастлаб бразилиялик Адриано тўп киритиб, ҳисобни очди. Кўп ўтмай Лукаш Подольски ҳисобни тенглаштирди. Танаффусга чиқиш олдидан томонлар галма-гал 11 метрли жарима тўпи тепишга мажбур бўлишди. Ҳисоб 2:2 бўлди. Учрашув тугашига 14 дақиқа қолганда эса Адриано яна ўзини кўрсатди. Шундай қилиб, бразилиялик футболчилар 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқишди. Энди улар ҳал қилувчи учрашувни Аргентина — Мексика учрашуви ғолиби билан ўтказадилар.

# ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Маълумки, мустақиллик бугун ҳар биримиздан маънавий етукликнинг асоси бўлган мозий ҳақиқатларини англаш, аждодларимиз ўчмас хотираларини қадрлаш ҳамда уларга муносиб бўлиб яшашга интилишни талаб этмоқда. Бунда, айниқса ижодкорларнинг масъулияти беқиёсдир. Бухоролик зукко журналист ва ёзувчи, «Ромитаннома» газетаси бош муҳаррири Жўра Фозил яқинда «Бухоро» нашриётида чоп этилган «Айрилиқ остонаси» романида булар ҳақида самимий фикр юритади.

Китобхонлар қўлига теккан мазкур тарихий романда халқимизнинг миллий озодлик ҳаракати, ғалаба ва инқирозлар ҳамда давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган курашлар асосий мавзу қилиб олинган. Бу ҳақда яқинда Бухоро давлат университетида бўлиб ўтган романнинг тақдимот маросимида ҳам алоҳида таъкидланди. Университет филология факультети кафедра мудири, профессор Охунжон Сафаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Тошпўлат Аҳмад ва бошқа кўплаб шоиру ёзувчилар янги роман Ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Китобдаги айрим жузъий камчиликлар ҳақида ҳам фикрлар айтилди.

Энг муҳими, ўндан зиёд қисса ва ҳикоялар тўплами чоп этилган ҳамкасбимизнинг мазкур романи касб байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**


ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

2005 йил 25 июль ва 4,11,18,25 август кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Олий хўжалик суди балансидаги:

1. «LABO» русумли, давлат рақами 10 AR 793, 1993 йилда ишлаб чиқарилган,

**Бошланғич баҳоси — 1 031 000 сўм.**

«Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази балансидаги:

2. «ГАЗ-320210» русумли, давлат рақами 10 AR 809, 1996 йилда ишлаб чиқарилган,

**Бошланғич баҳоси — 1 618 000 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг АТИБ «Ипотека банк»ининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

**Маълумот учун телефонлар:** 136-15-28, 399-80-23.


# «ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ» ОАЖ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ХАБАР

**Хабарнинг тартиб рақами — 05**

Эмитентнинг номи — **«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ.**

Манзили — **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Беларик кўчаси, 22.**

Қимматбаҳо қоғозлар тури — **номи ёзилган оддий, имтиёзли акциялар.**

Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган сана — **2005 й. 27 май.**

Дивидендлар тўлаш муддати — **2005 йил 27 майдан 27 июлгача.**

Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилган эмитент органи — **акциядорларнинг умумий мажлиси.**

Бир акцияга тўланадиган дивиденд миқдори — **326 сўм.**

Дивиденд тўланиши керак бўлган акцияларнинг умумий сони — **142470 дона.**

Дивидендлар тўлаш усули — **пул маблағлари.**

**Хабарнинг тартиб рақами — 09**

Умумий мажлис тури — **йиллик.**

Умумий мажлисни ўтказиш тартиби — **очиқ.**

Умумий мажлисни ўтказиш санаси — **2005 йил 27 май.**

Умумий мажлисни ўтказиш манзили — **Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22.**

Умумий мажлис кворуми — **93,7 фоиз.**

**Овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари:**

1-масала. **Бошқарув раисининг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 99,5 фоиз, қаршилар — 0,5 фоиз, бетарафлар — йўқ.**

2-масала. **2004 йилдаги молиявий натижалар ҳақида бухгалтерлик баланси ва аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 62,6 фоиз, қаршилар — 37,8 фоиз, бетарафлар — йўқ.**

3-масала. **Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 62,6 фоиз, қаршилар — 37,8 фоиз, бетарафлар — йўқ.**

4-масала. **Фойдани тақсимлаш ва 2004 йил учун дивиденд миқдорини аниқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 62,6 фоиз, қаршилар — 37,8 фоиз, бетарафлар — йўқ.**

5-масала. **Бошқарув раисини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 99,5 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — 0,5 фоиз.**

6-масала. **2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 62,6 фоиз, қаршилар — 37,8, бетарафлар — йўқ.**

7-масала. **Кузатув кенгашининг умумий мажлислар оралиғидаги қарорларини тасдиқлаш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 99,5 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар 0,5 фоиз.**

8-масала. **Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 99,5 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — 0,5 фоиз.**

9-масала. **Кузатув кенгашига сайловлар.**

**Овоз бердилар: ёқлаганлар — 100 фоиз, қаршилар — йўқ, бетарафлар — йўқ.**

**Умумий мажлис томонидан қабул қилинган қарорлар тартиби:**

Биринчи масала бўйича: **Бошқарув раисининг 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.**

Иккинчи масала бўйича: **«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖнинг 2004 йил учун бухгалтерлик баланси ва аудиторнинг хулосаси тасдиқлансин.**

Учинчи масала бўйича: **Тафтиш комиссиясига ҳисобот тайёрлаш учун бир ҳафта муддат берилсин. Кузатув кенгаши ўзининг мажлисида тафтиш комиссиясининг ҳисоботини кўриб чиқсин.**

Тўртинчи масала бўйича: **2004 йил учун олинган фойда ва дивиденд миқдори қуйидагича белгилансин: Заҳира фонди — 3317,7 минг сўм, бу соф фойданинг 5 фоизини ташкил этади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди — 16588,5 минг сўм, бу соф фойданинг 25 фоизини ташкил этади, дивидендлар тўлаш учун — 46447,8 минг сўм, бу соф фойданинг 70 фоизини ташкил этади.**

Бешинчи масала бўйича: **Х.С.Мадалиев — бошқарув раиси этиб тасдиқлансин. Бошқарув раисини бир йил муддатга (акциядорларнинг 2005 йил якунлари бўйича умумий йиғилишигача) ёллаш ҳақидаги меҳнат шартномаси тузилсин.**

Олтинчи масала бўйича: **Жамиятнинг 2005 йил учун аудиторини тасдиқлаш Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.**

Еттинчи масала бўйича: **Кузатув кенгашининг умумий мажлислар оралиғида қабул қилган барча қарорлари тасдиқлансин.**

Саккизинчи масала бўйича: **ОАЖ Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.**

**Тўққизинчи масала бўйича:**

**1. Р.И.Мақсудов, В.Эгамов ОАЖ Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.**

**2. Ю.В.Ли ва И.М.Юсупов ОАЖ Кузатув кенгаши таркибига сайлансин.**

**Хабарнинг тартиб рақами — 10**

**Мансабдор шахслар таркибидаги ўзгаришлар**

**Ўзгариш юз берган эмитент органи бошқаруви:**

**Кузатув кенгаши**

**Озод этилдилар:**

**— Валижон Қўчқорович Эгамов.**

**— Равшан Ибрагимович Мақсудов.**

**Сайландилар:**

**— Ибодулла Мамажонович Юсупов.**

**— Юрий Викторович Ли.**

***Қизиқтирган масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22, «Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ.***

**Тел: 53-63-25, 53-02-14.**

**Кузатув кенгаши**


# «ЎзБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

## ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**«ЎзБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерлар танловини эълон қилади.**

*Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:*

*1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — юридик шахс.*

*2. Номзод компаниянинг рўйхатга олинган жойи ҳақиқий фаолияти манзилига тўғри келиши шарт.*

*3. Устав фондининг энг кам миқдори — улгуржи савдо корхоналари учун белгиланган миқдордан кам бўлмаган.*

*4. Минтақа доирасида ўзига тегишли ёки ижарадаги рўйхатга олинган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо шахобчалари сони: камида 5 та (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) ва камида 3 та (бошқа вилоятларда).*

*5. Минтақа чегарасида ўзига тегишли ёки ижарадаги ҳажми камида 10.000.000 дона сигареталар сақлашга етарли бўлган омбор бинолари мавжудлиги.*

*6. Тегишли банк ҳужжатлари билан тасдиқланган айланма капиталининг минимал миқдори — 20 000 000 сўм.*

*7. Қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси мавжудлиги:*

- *Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида гувоҳнома;*
- *Нотариал тарзда тасдиқланган Уставининг нусхаси;*
- *Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;*
- *Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус рухсат гувоҳномаси (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзодни рўйхатдан ўтказган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларининг назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзоднинг эгалигида, — ижарасида омбор бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- *Номзод банк муассасасида тегишли талаб қилиб олингунгача махсус иккиламчи депозит ҳисоб рақами (махсус ҳисоб рақами) очганлигини тасдиқловчи ушбу ҳужжатнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда номзодга банк томонидан берилган ҳужжат.*

*Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий талабларга қўшимча равишда, эксклюзив дистрибютерлардан «Сигарета маҳсулотларини «ЎзБАТ АЖ» ҚКси эксклюзив дистрибютерларига сотиш шартномаси»га мувофиқ бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб, уларни бажариш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларнинг батафсил рўйхати номзодларга улар танловда иштирок этиш ҳақида ариза ҳамда юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганларидан сўнг берилади.*

*«ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерлар рўйхатига киритиш танловида иштирок этмоқчи бўлган юридик шахслар 2005 йил 1 июль куни соат 18.00 гача «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг бош директори номига* **юқоридаги 7 бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари** *илова қилинган ва боғланиш маълумотлари кўрсатилган ҳолда тегишли аризани юборишлари шарт. Бундай ариза буюртма хат орқали ёхуд шахсан қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77.*

*Номзодлар аризаларини кўриб чиқиш, тақдим этилган маълумотлар ва номзодларнинг белгиланган талабларга муносиблигини текшириш «ЎзБАТ АЖ» ҚК бош директори буйруғи билан тасдиқланган «Ишчи гуруҳи ва махсус комиссиясининг фаолияти ҳамда «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерларини танлаш мезонлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.*

*Барча саволларингиз билан ҳамда батафсилроқ маълумот олиш учун Жамшид Холмуродовга ёки ёзма равишда қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77; ёки (+998 71) 120-53-39 рақамли факс ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:*

- *(+998 71) 120-53-14*
- *(+998 71) 120-53-51,*
- *(+998 97) 156-35-12*

«ЎзБАТ АЖ» ҚК ДИРЕКЦИЯСИ



**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га**

**реклама ва эълонлар қабул қилинади. Биз билан ҳамкорлик қилинг, ютқазмайсиз!**

**Телефонлар:** 133-38-55, 133-47-80, 136-54-12.


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Адолат» газетаси Бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Рустам Аҳмадалиевга укаси **Равшан АҲМАДАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Behzod SHUKUROV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 555
8908 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.30.
Topshirish vaqti 22.35
1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda